

## А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2022 йил 06 январь

Яккабоғ тумани

Жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, шу суднинг раиси Н.Маҳмудовнинг раислигида, Ж.Тураевнинг котиблигида, тарафлардан Яккабоғ туман прокурорининг ёрдамчиси **У.Жураев** ва Яккабоғ туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори А.Туфлиевларнинг иштирокида, маҳкум Файзуллаев Шухрат Шукрулло ўғлига нисбатан суд томонидан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги Яккабоғ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси тўпланган ҳужжатлар билан бирга кўрилиб, куйидагилар

### а н и қ л а н д и :

Маҳкум Файзуллаев Шухрат Шукрулло ўғли 21.08.1995 йилда Яккабоғ туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, бўйдоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, депутат эмас, давлат мукофатлари олмаган, илгари судланмаган.

Ушбу иш бўйича: Жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг 2021 йил 26 март кундаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Жазони Яккабоғ туманида жойлашган “Яккабоғ спорт сифат” МЧЖда 2021 йил 01 май кунидан қоровул бўлиб ишлаб, жазо муддатини ўтаб келмоқда. Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани “Янгиобод” МФЙ, Қушнакеш кўчаси 13-уйда яшайди.

Судга Яккабоғ туман ИИБ бошлиғи томонидан тақдимнома киритилиб, Ш.Файзуллаев суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмидан кўпроғини, яъни 8 ойини тўлиқ ўтаганлиги, у ахлоқан тарбияланиш ва тузалиш йўлига ўтганлиги, қилган жиноятдан пушаймонлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан уни ўталмай қолган 10 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.

Судда Яккабоғ туман прокурорининг ёрдамчиси У.Жураев, маҳкум Ш.Файзуллаев суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлиги, у ахлоқан тарбияланиш ва тузалиш йўлига ўтганлиги, қилган жиноятдан пушаймонлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан уни ўталмай қолган 10 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан



муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Судда Яккабоғ туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори А.Туфлиев тақдимномани қувватлаб, маҳкум Ш.Файзуллаев суд томонидан тайинланган жазо муддатининг учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлиги, у ахлоқан тарбияланиш ва тузалиш йўлига ўтганлиги, қилган жиноятдан пушаймонлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан уни ўталмай қолган 10 ой ахлоқ тузатиш иши жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Судда маҳкум Ш.Файзуллаев, тайинланган жазонинг камида учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини, қилган жиноятдан тегишли хулоса чиқариб олганини, келгусида бу каби қилмишларни бошқа такрорламаслигини билдириб, ўталмай қолган жазодан озод қилишни сўради.

Суд, ишда тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, Яккабоғ туман прокурорининг ўринбосари ва Яккабоғ туман ИИБ Пробация гуруҳи ходимининг тақдимномани қувватлаб берган фикрларини тинглаб, қуйидагиларга асосан тақдимномани қаноатлантиришни лозим топди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддасининг 1-қисмида, “Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши, шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин мумкинлиги, ушбу модданинг 2-қисмида, “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланиши”, ушбу модданинг 3-қисми “б” бандида “Оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинланган жазо муддатининг камида ярмидан кўпроғини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланиши мумкинлиги” белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 536-моддасининг 1-қисмида, “Жиноят кодексининг 73 ва 74-моддаларида назарда тутилган ҳолларда жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланиши” кўрсатилган.

Суд, маҳкум Ш.Файзуллаев тайинланган жазонинг учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини, ахлоқан тузалиш йўлига ўтиб, тайинланган жазодан тўғри хулоса чиқариб олганлигини, жазони ўташ даврида жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб,



меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганини инобатга олиб, тақдимномани қаноатлантиришни ва Ш.Файзуллаевни ўталмай қолган 10 ой аҳлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни, ажримни ижро қилиш учун Яккабоғ туман ички ишлар бўлимига юборишни лозим топди.

Суд, маҳкум Ш.Файзуллаевга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 423, 536-моддасига асосланиб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Яккабоғ туман ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Файзуллаев Шухрат Шукрулло ўғлини ўталмай қолган 10 (ун) ой аҳлоқ тузатиш иши жазосидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажрим ижро қилиш учун Яккабоғ туман ички ишлар бўлимига юборилсин.

Маҳкум Ш.Файзуллаевга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кун муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига хусусий тартибда шикоят беришга, прокурор хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Маҳмудов

